БУГУН — БИНОКОРЛАР КУНИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 154 (3126). | Якшанба 8 август 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Ашкрали Абдураҳмонов ва Комил Аҳмаджонов ўртоқлар Чирчиқдаги 160-қурилиш трестининг моҳир монтажчиларидир. Икки дўст Бинокорлар кунини меҳнатда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олди. Улар ҳозирги кунда трансформатор заводи корпуслари қурилишида ғайрат қилмоқдалар. Смена топшириқларини доимо ортиқ билан адо этишяпти. Суратда: монтажчилар А. Абдураҳмонов (чапдан) ва К. Аҳмаджонов ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

Ҳосилга ҳосил қўшиш учун августнинг ҳар кунидан унумли фойдаланайлик * Қатор ораларини шамоллатинг * **Ҳар бир туп ғўза сувга қонсин, қуёш ва ҳаводан баҳра олсин** * *Ҳамма ерда пахта йиғим-теримига намунали тайёрланайлик: терим агрегатлари сифатли ремонт қилинсин.*

ҲАР ТУПДА 6—7 ТАДАН БЎЛИҚ КЎСАК

Тажрибали деҳқон Мовут ака Султонов бошлиқ участкасининг пахтакорлари мўл ҳосил етиштириш иштиёқида тадбиркорлик билан меҳнат қилаяптилар. Пайкалларни айланган нишининг баҳри-дили очилади. Барча майдонларда ғўзалар бир текис ривожланаяпти. Ҳосил шоҳлари сероб. Ҳар туп ғўзада ҳозирнинг ўзидаёқ 6—7 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Бу 142 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 24 ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун астойдил бел боғлаб курашаётган азамат деҳқонлар меҳнатининг меваси. дир.

— Ишимиз йил бошиданоқ режали бўлаяпти, — дейди ўртоқ Султонов, — чигитни бир текис ундириб олганимиздан буён дала ишларини конвейер усулида давом эттираяпмиз. Барча майдондаги ғўзалар ҳозиргача икки марта тўйдириб озиқлантирилди, 3 марта қондириб суғорилди. Ҳозир тўртинчи культивация давом этаяпти. Чеканкани кечиктирмай, 4—5 кун ичида тамомладик.

Участка бошлиғининг сўзидан маълум бўлдики, деҳқонлар дала ишларининг ниҳоятда сифатли бўлишига эътибор бермоқдалар. Ортиқча меҳнат ва харажатларга йўл қўйишмаяпти. Чунки улар сифатсиз бажарилган иш ҳосилга ҳосил қўшмаслигини, даромадни камайтириб юборишини яхши биладилар.

Бу йилги сув танқис келган шароитда миришкорларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб, уларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Мутал Шунқоров, Наша Раҳматуллаев, Туронбой Бойбўтаев, Турсунбой Султонов ўртоқлар ҳар бир туп ғўзанинг оби-ҳаётга қонишини таъминлаяптилар. Дала хўжайинлари — механизатор звено бошлиқларига балли. Ким Яков, Ким Алексей ўртоқлар универсалларига химоя тўсиғи ўрнатиб, ғўза қатор ораларига ишлов беришни қизғин давом эттиришаяпти.

— Биз ўтган йили ҳосилнинг асосий қисмини машинада териб олган эдик, бу йил ҳам камида 60 процент пахтани хирмонга «зангори кема» бункерларидан тўкамиз, — дейди участка бошлиғи ўртоқ Султонов, — шунинг учун ҳам далаларда бирон туп бегона ўтнинг ўсишига йўл қўймаяпмиз. Опа-сингилларимиздан Муборак Мусаева, Мария Нурматова, Анор Ўсмоновалар бу соҳада ғайрат кўрсатишаяпти. Коллективимиз август ойи ичида ғўза қатор ораларига яна икки марта комплекс ишлов беришга қарор қилишган. Шу йўл билан биз нузда баракали хирмон кўтарамиз, деган аҳдимизнинг уддасидан чиқамиз.

М. ТУРСУНОВ,

Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, ҚЎЛИ ГУЛ ҚУРУВЧИЛАР

Бугун — Бинокорлар куни. Барча совет халқи етти йиллик планни муваффақиятли якунлаш, кишилкининг асрлар давомидаги орзу-умиди — коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, мамлакатимизда коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтириш учун сабот-матонат билан курашаётганларнинг олдинги сафида бораётган бу олижаноб касб эгалари байрамини зўр хурсандчилик ва қувонч билан нишонламоқда.

Бинокор! Бу ном мағрур жаранглайди. Мана у котлован остида туриб, бўлажак шинам ва кўркам, қўшқаватли уйнинг пойдеворн блокларини ўрнатмоқда, баландликда туриб, бўлажак саноат корхонасининг металл конструкцияларини монтаж қилмоқда. Бинокор деган сўз замнида олам-олам мазмун ва маъно ётиши ҳам бечиз эмас, у бунёд этувчи, яратувчи, ижодкордир. Энг шарафли касб эгаси бўлган совет бинокори ҳамма вақт олдинги сафда бормоқда. Узларининг қадоқ қўллари билан завод ва фабрикалар, электростанция, каналлар, обод шаҳар ва посёлкалар бунёд этмоқдалар. Ҳозирги турмушимиз ва ғўзал, порлоқ келажагимизни яратмоқдалар.

Шунинг учун ҳам халқимиз Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш, унинг қиёфасини гўзаллаштириш, совет кишилари ҳаётининг фаровон ва завқли бўлишига беқиёс ҳисса қўшаётган бинокорларни ҳамиша ҳурматлайди ва қадрлайди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қурувчилар меҳнатини енгиллаштириш, маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Бунга жавобан мамлакатимиздаги барча бинокорлар қаторн областимнз қурувчи ва монтажчилари ҳам зиммаларидаги ниҳоятда шарафли ва масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариш, объектларни пухта ва кўркам, сифатли ва мустаҳкам қуриш учун астойдил интилмоқдалар. Уларнинг ижодий меҳнати билан сўнгги йилларда шаҳар ва қишлоқлар, посёлкалар ва массивлар қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Ҳаёт меъморларнинг меҳнат мевалари — ўнлаб саноат корхоналари корпуслари, маданий-маиший муассасалар, кўп қаватли уй-жой бинолари қад кўтарди. Эндиликда областда капитал қурилиш ишларн олиб борилмаётган, турли объектлар қурилмаётган бирорта ҳам шаҳар ёки қишлоқ қолмади.

Ўз касбининг моҳиятини чуқур тушунган, уни қадрлаб, ардоқлаётган лабзи ҳалол бинокорларимиз ҳар йили жуда катта ҳажмдаги капитал қурилиш ишларини бажармоқдалар. Давлат томонидан ажратилган юз миллион сўмлаб маблағларни ўз вақтида ўзлаштириш иштиёқида тиним билишмаяпти. Қурилиш ишларининг механизация даражаси ортиб бормоқда. Завод шаронтида тайёрланган турли хил темир-бетон конструкциялари, деталлари ва панеллари тобора кенг фойдаланиляпти. Илғор иш усуллари ва прогрессив технология тўхтовсиз жорий қилинмоқда. Бинокорларимиз ўртасида бошланган олижаноб ҳаракат — объектларни гарантияли паспортлар билан фойдаланишга топшириш ҳаракатига янги-янги коллективлар қўшилмоқда. Улар ўртасида социалистик мусобақа ва унинг олий формаси — коммунистик меҳнат учун кураш кенг қулоч ёймоқда. Қурилиш майдонлари кун сайин монтаж майдонларига айланиб бормоқда. Натижада меҳнат унумдорлиги ошаётир, қурилиш сифати яхшиланиб, харажатлари камаймоқда.

Бинокорларимиз бугунги ўз байрамларини ҳам муносиб тортиқлар билан нишонлашяпти. Улар областимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида капитал қурилиши, давлат маблағларини ўзлаштиришни бирмунча яхшиладилар. Шу йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 26 процент кўп асосий фондларни ишга туширдилар. Қурилишмонтаж ишлари ҳажмини эса 18 процент оширдилар. Бу тақдирга сазовор ютуқдир.

Қатор янги саноат объектлари муддатидан илгари битказилди. Жумладан, Ўрта Осиёда энг йирик Тошкент район электростанциясида 150 минг киловатт қувватли учинчи турбина ток беробошлади. Чирчиқ электрохимия комбинати, Тошкентдаги лак-буёқ, «Подъёмник» заводларида, қатор машинасозлик корхоналарида янги қувватлар фойдаланишга топширилди, айрим завод ва фабрикалар реконструкция қилинди. Уй-жой қурилиши ҳам кенгайиб бораяпти. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида областимиз шаҳар ва қишлоқларида умумий сатҳи 200 минг квадрат-метрга яқин уйлар фойдаланишга топширилди. Айниқса, йирик панеллардан кўп қаватли турар-жойлар қуриш ортиб бормоқда.

Бугунги улуғ айёмда ўз касбинн пухта эгаллаган, ҳар ишда бошқаларга ўрнак бўлаётган меҳнатсевар, тиниб-тинчимас, бутун қалби ва вужуди билан белгиланган топшириқни бажаришга интилаётган ажойиб бинокорларимиз номини зўр ифтихор билан тилга оламиз. Раҳим Зияев, Низом Ғозиқулов, Халил Чибанов, Мамат Абдувалиев, Мамажон Сандов ва бошқа ўнлаб қурувчилар областимизнинг фахрли кишилари ҳисобланадилар. Улар раҳбарлик қилаётган комплекс бригадалар меҳнатда ажойиб намуна кўрсатмоқдалар.

Шу билан бирга капитал қурилишида катта камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Давлат томонидан ажратилган капитал маблағлар сурункасига тўла ўзлаштирилмаяпти. Шу йилнинг ўтган ойларида ҳам бир неча миллион сўмлик маблағ фойдаланилмай қолди. Бунинг оқибатида бирнеча муҳим объектлар белгиланган муддатларда ишга туширилмади. Айниқса, қурилиш сифати кўнгилдагидек эмас, кўп ҳолларда браккга йўл қўйилаётир. Бу эса қурилиш таннархининг ошиб кетишига олиб келаяпти.

Бугун байрам. Эртадан эса бинокорларимиз янги куч, ғайрат-шижоат билан яна буюк яратувчилик ишларига отланадилар. Янги завод ва фабрикалар, кўпвақатли уйлар, касалхона ва болалар боғчалари, мактаблар ва магазинлар кўплаб қад кўтараверсин! Бинокорларимизнинг еттийиллик планни муддатидан илгари бажариш, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишга қўшадиган ҳиссалари янада салмоқли ва баракали бўлаверсин!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, қўли гул бинокорлар!

ҲАМКОРЛИК

Шу кеча-кундузда сувчининг ҳам, механизаторнинг ҳам ягона мақсади: тўпланган ҳосилни тўла сақлаб қолиш ва ҳосилга яна ҳосил қўшишдан иборат. Сувчи ҳам механизаторлар сингари дала хўжайинлари, ҳосил тақдири учун жавобгар кишилар эканликларини жуда яхши тушунишади.

Ғўза қатор ораларига механизатор сифатли ишлов бердими, эгатлар юмшоқ сақланаяптими, бу жуда яхши. Энди сувчи пайдан бўлиши керак. Кузатиб юриши керак. Ғўза чанқадими, дарҳол жилдиратиб эгатларга сув тараши лозим. Ғўза қониб сув ичиб ғуркираб яшнадими, энди механизатор ҳушёр бўлиши зарур. Эгатлар етилиши билан универсал рули бураса, ҳосилга-ҳосил қўшилаверади.

Бўка районидаги Мичурин номли колхозда худди шундай қилинаяпти. Культивация билан сув тараш бир-бирига боғлаб олиб борилаяпти. Миришкор сувчилардан Т. Худойбердиев, К. Аҳмедов ўртоқларни доимо пахтазорда учратасиз. Постларида сергак туришади. Сув равон оқаяптими, пушталар қўлламаяптими, исроф бўлаётганн йўқми, кўздан кечириб юришади. Т. Жумабоев, С. Жумаев ўртоқлар эса культивацияни вақтида ўтказиш, ишнинг сифатли бўлишлиги тўғрисида қайғиришади.

Бригадада меҳнат тўғри ташкил этилганлиги учун ҳам ғўза парваришида сусткашликка йўл қўйилмаяпти. Ҳосилга-ҳосил қўшилаяпти.

— Икки юз гектар ернинг ҳар гектаридан камида 25 центнердан ҳосил оламиз,— дейди участка бошлиғи ўртоқ Ю. Сарабоев,— бу бизнинг ерларимиз шароитида камҳосил эмас. Мақсадга эришиш учун участкамиз аъзолари бундан буён ҳам астойдил меҳнат қилишади. Ваъдамизга вафо қиламиз.

С. ШАРОФХОНОВ.

ҒАЙРАТ-ШИЖОАТ БИЛАН

Собир Раҳимов номли колхознинг ўртоқ Арслон Достонов бошчилик қилаётган бригадаси даласидамиз. Ҳалол меҳнат туфайли гуркираб ўсаётган ғўзалар кўзни қувонтиради. Қизиқин билан бир туп ғўзанинг ҳосилини чамалаб кўрамиз. Шона ва гулларни қўяверинг, кўсакнинг ўзидан тўрттабештадан. Чакки эмас. Шу пайт бу ерга бригадир келиб қолди. Биз билан ҳол-аҳвол сўрашгач «қалай, дурустми» дегандай синовчан назар ташлади. Биз ундан:

— Мажбурият неча центнердан? — деб сўрадик.

— Уттиз центнердан ошса ошадики, кам бўлмайди. — комил ишонч билан жавоб берди Арслон ака. — Бизда звено бошлиқлари нарядсиз ишлайдилар. Шунинг учун ҳам сон кетидан қувишмайди, сифат учун курашишади. Ҳосилга-ҳосил қўшилсин, хирмонимиз баракали бўлсин, деб жон қойитишади.

Арслон ака звено бошлиқлари Р. Каримов, Н. Юсупов ўртоқларнинг номларини ҳурмат билан тилга олди. Шундан кейин миришкор Д. Аҳмедовни таърифлаб кетди.

— Ота олтмиш ёшга кирди, — деди у, — ўн йилдан бери сув етаклайди. Ғўзалар чанқаб қолмасин, шона гулларини тўкиб юбормасин, ҳосилдан путур кетмасин, деб шунинг ғамини ейди, хўв пайкал этагига қаранглар, кечқурун сув тараш учун эгатларга чим босяпти.

Ана шу томонга йўл олдик. Ота билан кўришдик. У бизга шогирдлари ҳақида сўзлаб берди. Абдумурод Абдуқаюмов, Абдуқодир Сайфиддинов, Аёз Турсунхўжаев ўртоқлар отанинг касбдошлари. Ғўзаларга сув тарашда, чанқоқ карталарни аниқлашда отанинг маслаҳатларига қулоқ солишади, тажрибаларидан ўрганишади, ғайрат-шижоат билан ишлашади.

Даладан жуда мамнун қайтдик. Қилинаётган ҳаракат, серҳосил ғўзалар баракали хирмондан дарак берарди.

Қ. АБДУҚАЮМОВ,

Янгийўл.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

«ЎРОҚ ВА БОЛҒА» БАЙРАМИ

Тошкент шаҳар партия комитети ва Сирдарё область партия комитети бюроларининг қарорига мувофиқ ўтган йили март ойида биринчи марта «Ўроқ ва Болға» байрами ўтказилган эди. Бу қимматли ташаббус яхши анъанага айланиб қолди.

Партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети март Пленумининг ишчилар синфи ҳамда колхозчи деҳқонлар бузилмас иттифоқини янада мустаҳкамлаш ҳақидаги қарорларига мувофиқ Тошкент шаҳар партия комитети бюроси Тошкент шаҳри меҳнаткашлари ва Сирдарё область колхозчилари ўртасидаги традицион дўстликни ривожлантириш мақсадида 28—29 август кунлари «Ўроқ ва Болға» байрамини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Бу байрам «КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга оширамиз!» шнори остида ўтади. «Ўроқ ва Болға» байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотларида, колхозлар, совхозлар, муассасалар ҳамда ўқув юртларида КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари ва Совет Иттифоқи халқлари дўстлиги темаларига бағишланган лекциялар, тематик кечалар, суҳбатлар, учрашувлар уюштирилади.

«Ўроқ ва Болға» байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш плани тасдиқланди. Район партия комитетларига шу план асосида ўз районларида ўтказиладиган тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Шаҳардаги партия, совет, касаба союз, хўжалик ва комсомол ташкилотларига, муассаса ва бошқармалар, ижодий ташкилотларга «Ўроқ ва Болға» байрамини ўтказишда актив иштирок этиш, конкрет тадбирлар планини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Август Тошкент меҳнаткашларининг Сирдарё области пахтакорларига оталик ёрдами кўрсатиш зарбдор ойи деб эълон қилинди. Шаҳарликлар деҳқонларга 1965 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга намунали тайёргарлик кўришда, йиғим-терим кампаниясини уюшқоқлик билан энг қисқа муддатларда ўтказишда яқиндан ёрдамлашадилар. Ойликни ўтказишдан мақсад ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг биргаликда етти йиллигининг сўнгги йилида Ўзбекистон меҳнаткашларининг 3 миллион 650 минг тонна «оқ олтин» учун курашига муносиб ҳисса қўшишидан иборат.

Район партия комитетлари, саноат корхоналари, қурилишлар, муассасалар ва ижодий ташкилотлар Сирдарё областининг ўз оталикларидаги районлари, колхоз ва совхозларига бригадалар юборадилар. Бу бригадалар 1964 йилнинг баҳорида тузилган социалистик шартномаларнинг бажарилишини текширадилар.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, шунингдек кўпнусхали газеталарга «Ўроқ ва Болға» байрамига тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилишини кенг ёритиш вазифаси юклатилди.

«Ўроқ ва Болға» байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оператив раҳбарлик қилиш учун Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. Р. Расулов бошчилигида ташкилий комитет тузилди.

СОВЕТ-АФҒОН ШАРТНОМАСИНИ УЗАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

6 августда Катта Кремль саройида СССР билан Афғонистон ўртасида бетарафлик ва бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисидаги Шартноманинг амал қилиш муддатини ўн йилга узайтириш ҳақидаги протокол имзоланди.

Протоколни СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва Афғонистоннинг Совет Иттифоқидаги элчиси Муҳаммад Ориф имзоладилар. (ТАСС).

АФҒОНИСТОН ПОДШОСИ ВА МАЛИКАСИ ШАРАФИГА

6 августда СССР Олий Совети Президиуми Катта Кремль саройида Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ ва малика Умайра шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида уларга СССР бўйлаб қилинаётган саёҳатда ҳамроҳ бўлиб юрган Афғонистон давлат арбоблари ҳозир бўлишди.

Совет томонидан А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, Ю. В. Андропов, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Г. С. Дзоценидзе, Т. Қулатов, Ю. И. Палецкий, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. Н. Новиков, К. Н. Руднев, Л. В. Смирнов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида СССРдаги чет эл дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари ҳам бор эди.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ дўстона нутқ сўзладилар.

(ТАСС).

АФҒОНИСТОН ПОДШОСИ ВА МАЛИКАСИ МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ ва малика Умайра 7 августда Москвадан ўз ватанларига жўнаб кетдилар. Улар Кобулга боратуриб, Қримда бир неча кун дам олишади.

(ТАСС).

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

«ГРЕК ХАЛҚИ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ»

АФИНА, 6 август. (ТАСС). Греция Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг «Ҳақиқат овози» радиостанцияси томонидан эшиттирилган ва «Авги» газетасида эълон қилинган ахборотида «Грек халқи катта ғалаба қозонди» дейилади.

«Сарой ҳукумати вужудга келган пайтдан бошлаб уни халқ қоралаган эди, энди шу ҳукуматга парламент ишонч билдирмади, — дейилади ахборотда. — Халқнинг наказига содиқ бўлиб келаётган барча демократия вакилларига, барча депутатларга, сиёсий партияларга ва ташкилотларга, шунингдек шижоатли ёшларга, қаҳрамон ишчилар синфига ва сарой малайлари зўрлаб қабул қилдирмоқчи бўлган ҳукуматни бир ёқадан бош чиқариб ағдариб ташлаган бутун халққа биз қизғин салом йўллаймиз.

Бироқ, конституцион тартиб ва демократик осойишталик учун олиб борилаётган жанг ҳали тугагани йўқ. Маҳаллий ва чет эл реакцион доиралари, Америка империалистлари, сарой ва хунта демократияга ва миллат манфаатларига зид бўлган ўз мақсадларидан ҳали воз кечганлари йўқ. Ҳозирги дақиқалар ҳали ҳам кескин бўлиб турибди, шу сабабли халқ ўзининг ҳушёрлигини кучайтириши лозим. Демократик кучлар ва бутун халқ ўз кучларига астойдил ишонган ҳолда бу ғайри нормал аҳволни у ёки бу шаклда узоққа чўзиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши курашни давом эттиришга шай бўлиб туришлари лозим. Улар ўзларининг оммавий чиқишлари ва бирлиги билан конституцион тартибга ва демократик осойишталикка риоя қилинишини таъминлашлари мумкин. Бунга парламентда кўпчилик бўлган партия (Марказ иттифоқи) раҳбарлиги томонидан ҳукумат тузилиши йўли билан ёки оддий пропорционал система асосида ва халқ ўз иродасини эркин билдирадиган шароитда даврқл сайловлар ўтказиш йўли билан эришиш мумкин».

ҚОТИЛЛАРНИНГ ТАЛАФОТИ

ПАРИЖ, 6 август. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг берган хабарига қараганда, Жанубий Вьетнам ҳукумати қўғирчоқ қўшинларининг июль ойи ичида берган талафотлари ўлдирилган 1.335 кишидан, жароҳатланган 1.765 кишидан ва бедарак йўқолган 750 кишидан иборат бўлди. Шунингдек, Жанубий Вьетнам ватанпарварлари шу вақт ичида 1.395 та қуролярогни қўлга туширдилар.

ИККИТА КЕМА БОТИРИЛДИ

ПЕКИН, 6 август. (ТАСС). Чанкайшичиларнинг иккита ҳарбий кемаси Хитой Халқ Республикасининг территориал сувларига бостириб кирган эди, шу кемаларни Хитой халқ озодлик армияси кемаларининг отряди бугун Наньво ороли яқинида (Гуандун вилояти) ва Дуншань ороли яқинида (Фуцзянь вилояти) сувга ботириб юборди-лар, дейилади Синьхуа агентлигининг хабарида.

ГРЕЦИЯДАГИ СИЕСИЙ ТАНГЛИККА ДОИР

ПАРИЖ, 6 август. (ТАСС). Бугун Греция короли Константин Бирлашган демократик сўл партия (ЭДА) раиси И. Пасалидиси қабул қилди ва мамлакатдаги сиёсий танглик сабабли у билан суҳбатлашди.

АФП мухбирининг Афинадан берган хабарида айтилишича, И. Пасалидис королга «мамлакат ҳозирги боши берк кўчадан чиқиб олмоғи учун нормал сиёсий ҳаётга қайтиши лозим», деган.

Сўнгра, И. Пасалидис айтганки, бунинг учун парламентда «Афанасиадис-Новас ҳукуматига қарши овоз берган 167 депутат қўллаб-қувватлайдиган ҳукумат тузиш зарур» (Марказ иттифоқи партиясидан 145 депутат ва ЭДА партиясидан 22 депутат Афанасиадис-Новас ҳукуматига қарши парламентда овоз берган эдилар).

МАДАДКОР ҚИСМЛАР ЮБОРМОҚДАЛАР

ПАРИЖ, 6 август. (ТАСС). Хунин вилоятида қўшинлар партизанлар билан тўқнашгандан кейин Перу маъмурлари ана шу вилоятга армиянинг янги бўлинмаларини юборди, деб хабар беради Франс Пресс агентлиги. Маъмурлар партизанларга қарши курашиш учун авиацияни ишга солди.

Расмий ахборотларга қараганда, қўшинлар тўқнаши вақтида учта одамни талафот берган. Шунингдек, уч партизан ҳалок бўлган. Бироқ, Лимадаги баъзи газеталарда босилган маълумотларга кўра, ҳар иккила томоннинг берган талафоти 24 кишидан иборатдир.

ҲАЁТИМИЗ МЕЪМОРЛАРИ

ШАРАФЛИ ВА ФАХРЛИ

Ҳа, бинокорлар меҳнати жуда ҳам шарафли ва фахрлидир. Уларнинг билак кучи, ақл-заковати, қаҳрамонликка тенг меҳнати билан мамлакатимиз кўркам, шаҳар, қишлоқ ва посёлкаларимиз обод ва гўзал, халқимизнинг турмуши янада фаровон ва файзли бўлиб бораяпти. Ҳақли равишда ҳаётимиз меъморлари бўлган бу касб эгалари мамлакатимизда коммунизм қуриш, унинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, коммунистик мўл-кўлчиликни яратиш учун бораётган умумхалқ курашининг олдинги safida турибдилар. Коммунистик партия ва совет ҳукумати жуда катта давлат маблағларини улар ихтиёрига бериб қўйишибди.

Ажратилган капитал маблағларнинг тез ва соз ўзлаштирилиши, саноат корхоналари, маданий-маиший муассасалар ва уй-жойларнинг ўз вақтида ишга туширилиши, сифатли ва кўркам қилиб қурилиши ана шу азаматларнинг уқувига боғлиқ. Областимиз бинокорлари ўз зиммаларидаги юксак вазифаларни чуқур тушунганлари ҳолда қурилиш ишлари суръатини йилдан йилга тезлаштирмоқдалар, янги-янги объектларни ишга туширмоқдалар. Бутун-бутун шаҳар ва посёлкалар бунёд этишляпти. Улар қўлидан чиққан уй-жойларда истиқомат қилаётган меҳнаткашлар оилалари бинокорларга миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Етти йилликнинг охирги йилида ҳам қурувчиларимиз жуда катта ҳажмдаги капитал маблағларни ўзлаштиришга бел боғлашди. Йил давомида улар 400 миллион сўм ликка яқин маблағ ўзлаштириш юзасидан ўз олдиларига қўйилган вазифани сидқидилдан бажаришга астойдил интилмоқдалар. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан 45 миллион сўмлик кўпдир. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ҳам жуда катта. У 230 миллион сўмликни ташкил этади. Бу эса 1964 йилдагидан 22 миллион сўмлик ортиқдир.

Бинокорларимиз бу йилги шундай улкан вазифаларни тўла тўкис бажариш учун социалистик мусобақани ҳамма жойда кенг авж олдирдилар. Қурилиш ишларни индустрлаштириш ва механизациялаштириш борасида жуда кўп ишлар қилиндн. Темир-бетон конструкциялари ва деталлари, турли-туман панеллар ва бошқа шу қаби прогрессив буюмлардан фойдаланиш анча кўпайди. Илғор иш тажрибалари коллективлар ўртасида кенг ёйилди. Коммунистик меҳнат тантанаси учун кураш байроғи остига янги-янги коллективлар келиб қўшилишди.

Шуларнинг ҳаммаси қурувчиларимиз меҳнатига катта ижобий таъсир кўрсатди. Улар капитал қурилиш планларини бажаришда дурўст ютуқларни қўлга киритдилар. Шу йилнинг ўтган биринчи ярмида ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 35 миллион сўмлик кўп капитал маблағ ўзлаштирилди. Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми эса 17 миллион сўмлик кўпайди. Ўтган ойлар ичида қатор саноат объектлари фойдаланишга топширилди. Чирчиқ электрохимия комбинатида, «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», «Узбекхлопкомаш», «Подёмник» ва бошқа корхоналарда янги ишлаб чиқариш қувватлари муддатидан илгари ишга туширилди. Тошкент давлат район электростанциясини бунёд этаётганлар катта ғалабани қўлга киритишди. Станциянинг 150 минг киловатт қувватли учинчи энергетика блоки халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун қувват берабошлади.

Шаҳар ва қишлоқларда уй-жой қурилиши проблемасиз тобора муваффақиятли ҳал қилинмоқда. Бирор қишлоқ ёки шаҳар йўқки, унда янги шинам уйлар, кўп қаватли, кишиларнинг яшаши учун барча қулайликлари муҳайё бўлган турар-жойлар қад кўтармаётган бўлсин. Шу йилнинг биринчи ярмида 192 минг квадрат метр умумий сатҳга эга бўлган обод уйлар қурилди. Минглаб меҳнаткашлар онлалари бу турар-жойларга кўчиб киришди ҳамда ҳовли тўйлари ўтказишди.

Қатор қурилиш трестлари коллективлари меҳнатда яхши натижаларга эришмоқдалар. Қурилиш-монтаж ишлари планини барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли адо этмоқдалар. 159, 160-қурилиш трестлари, ўнлаб қурилиш бошқармалари, участкалари бинокорлари бугунги ўз байрамларини муносиб тортиқлар билан кутиб олишди. Айниқса, областимизнинг пешқадам қурилиш ташкилоти ҳисобланган 160-трест коллективининг ютуқлари тақдирга сазовордир. Трестда меҳнат пухта ташкил этилган. Прогрессив технология ва илғор иш методлари кенг жорий қилиняпти. Бинокорлик механизмлари ва машиналаридан унумли фойдаланилмоқда. Моддий ва ишчи кучи ресурслари биринчи навбатда ишга туширилиши лозим бўлган объектлар қуришга сафарбар этилмоқда. Бошқармалар, участкалар ва бригадалар бир-бирлари билан мусобақалашмоқдалар. Мусобақа шартларининг бажарилиши вақтиндан вақтигача текширилиб турилади. Уй-жойларни гарантияли паспортлар билан фойдаланишга топшириш ҳақидаги ташаббус ҳам шу трестда бошланди. Трест бинокорлари қурилиш-монтаж ишлари топшириқларини муттасил знёдаси билан адо этмоқдалар, иш сифатини яхшилмоқдалар, қурилиш ҳаражатларини камайтириб, давлатнинг кўплаб маблағини тежаб қолмоқдалар.

Областимиз қурувчилари бугунги ўз байрамларини катта совғалар билан кутиб олишди. Лекин ҳали бинокорларимиз фаолиятида катта-катта камчиликлар бор. Капитал маблағлар тўла ўзлаштирилмаяпти. Қурилиш-монтаж ишларини ҳамма трестлар, бошқармалар бажараолмаяпти. Бунинг натижасида объектлар қурилиши чўзилиб кетмоқда, сифати пасаймоқда, кўпгина бракка йўл қўйилаяпти.

Бу шуни кўрсатадики, қатор қурилиш ташкилотларининг раҳбарлиги, бошланғич партия ташкилотлари, шаҳар ва район комитетлари коммунистик жамият моддий техника базасини яратишда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган қурилиш масалалари билан етарли шуғулланмаяптилар. Бинокорлик ташкилотлари коллективлари ижодий фикри, куч-ғайрати ва ташаббусини ҳар бир объектнинг белгиланган муддатда ва сифатли қилиб қурилишига сафарбар этмаяптилар. Жойларда жонли ташкилотчилик иши олиб бориш ўрнига расмиятчиликка йўл қўймоқдалар.

Бинокор ва монтажчиларимиз йил охиригача яна ўнларча миллион сўмлик капитал маблағларни ўзлаштиришлари зарур. Бунинг учун эса жойларда мавжуд бўлган ички имкониятлардан кенг фойдаланишга эришиш, бинокорлар ўртасида жонли социалистик мусобақани авж олдириш, ишчи кучи қўнимсизлигига барҳам бериш лозим. Қурилиш ташкилотлари ҳузурида қудратли ишлаб чиқариш базалари яратилган. Ана шу базаларда бинокорлик материаллари тайёрлашни кўпайтириш, замонавий техника воситалари ва моддий ресурслардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш керак.

Қурилишимиз истиқболи янада порлоқ. Йил охиригача яна қатор саноат объектлари, маданий-маиший муассасалар, юз мингдан квадрат метр ҳажмдаги уйлар қурилади. Бу вазифаларни тўла уддасидан чиқиш учун бинокорларимизда барча имкониятлар бор. Ҳаммагап улардан окилона фойдаланишда қолган. Шубҳа йўқки, қурувчиларимиз бу имкониятларни тўла ишга солиб, етти йилликнинг охирги йилини катта ютуқлар билан якунлайдилар.

Е. С. ЧЕПКО,
Тошкент область партия комитети қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати бўлими мудири.

Тошкент политехника институти қурилиш факультетининг IV курс студентлари — суратда: (чапдан) Ҳамро Раҳматқорнева ва Шоиста Каримжонова ўртоқлар аудиторияларда олган назарий билимларини ҳозирги кунда ишлаб чиқариш практикасида мустаҳкамламоқдалар. Бўлажак бинокорлар пойтахтимизнинг Охунбобоев майдонида қад кўтараётган «Средазгипроводхлопок» лойиҳалаш институти биноси қурилишида меҳнат қилишаяпти. Тажрибали бинокорлар ёрдамида қурилиш билан боғлиқ бўлган барча хил операцияларни ўрганмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Урта Чирчиқ районидаги колхоз ва совхоз посёлкалари, қишлоқлари муттасил гўзаллашиб, обод бўлиб бораяпти. Кўплаб янги турар-жой binolари, мактаблар, болалар боғча ва ясли-лари, клублар, хўжалиқ binolари фойдаланишга топширилмоқда. Ҳа, эндиликда қурилиш хавозалари, кранлари қишлоқлар қиёфасининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Шуниси қувончлики, райондаги қўпчилик ва катта объектларни колхозлараро қурилиш ташкилотининг қўли гул binoкорлари бунёд этмоқдалар. Улар бугун нишонланаётган ўз байрамларини тилга олса арзигудек ютуқлар билан кутиб олишаяпти. Йил бошидан буён 410 минг сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. колхоз ва совхозларда бир қанча янги объектларни фойдаланишга топширдилар. «Ленин йўли», Терешкова номли, Охунбобоев номли колхозларда янги мактаб binoлари қад кўтарди.

Деярли барча колхозларда шинам уйлар кўплаб қурилаяпти. Ўтган ойлар ичида умумий ҳажми 1364 квадрат метрлик 44 та турар-жой фойдаланишга топширилди. Ўнлаб колхозчилар оилалари янги уйларга кўчиб киришди.

Кейинги вақтларда колхозлараро қурилиш ташкилоти коллективи илғор иш усулларини кенг қўлланяпти. Маҳаллий binoкорлик материалларидан фойдаланиш, темир-бетон конструкцияларини ишлатиш кўпаймоқда. Янги-янги binoкорлик механизмлари ва машиналари қурувчиларга ёрдамга келмоқда. Бир қанча комплекс бригадалар ташкил этилди. Бу қурилишни тезлаштириш ва сифатини яхшилашга маълум даражада ёрдам бермоқда. Барча бригадалар ойлик топшириқларини знёдаси билан адо этмоқдалар. И. Байрамов, Я. Аҳмедов, Н. Юсупов ва Хизматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг иш кўрсаткичлари, айниқса яхши бўлмоқда. Улар қурилишда механизация воситаларидан яхши фойдаланиб, топширилган 120—125 процентдан адо этишляпти. Колхозлараро қурилиш ташкилоти эришаётган ютуқларда республикада хизмат кўрсатган binoкор Н. Гарифуллин, шоферлардан М. Елимесов, Г. Сухенко, Э. Маъруповъ, тракторчилардан Р. Боймирзаев, Р. Салимуллин ўртоқларнинг ҳиссаси каттадир. Улар ҳамма жойда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Т. ЙЎЛДОШЕВ,
М. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбирлари.

Суратда: Урта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозида қад кўтарган уч хонали янги турар-жойлар.

М. Шевелев фотоси.

ҲУНАРИМ — ФАХРИМ

Binокорлик касбининг ҳам ўз гашти бор, Бугун қарасанг теварак атрофинг кенг адр. Эртагачи, шу ерда баланд-баланд иморатлар пайдо бўлади-Кўрасан, кувонасан. Ҳаммаёқни ҳам қарасанг жой бўлади, деб бечиз айтишмаган-да. Мен дастлаб Алишер Навоий номли опера ва балет театри биносини бунёд этишда қатнашдим. Шундан бери ҳамкасбларим билан уй-жой, саноат объектлари қурамиз.

Пойтахтимизда янги Чилонзор массиви бунёд этилабошлагач биринчилар қаторида шу ерга келдик. Гагарин кўчасидаги дастлабки 6 ва 7-binoлар бизнинг қўлдан чиққан. Шушу шаҳарча қурилиши кўлами кенгайгандан-кенгайиб борди. Қад кўтарган қатор-қатор секторлар, осмонўпар кўркам binoлар киши қалбини завқ ва шавқга тўлдиряпти. Шуларда қўлимизнинг изи бор.

Бригадамизда 20 киши бор. Ҳаммаси меҳнатсевар, ишининг кўзини биладиган тажрибали binoкорлардан. Сўнгги пайтда биз Чилонзордаги 9-Г секторида уй-жой қурилиши билан банд бўлдик. Ҳисоблаб қарасам етти ой давомида ҳар бири 72 квартирали бўлган бешта кўпқаватли binoни пардоздан чиқарибмиз. Ҳаммаси аъло баҳо билан топширилди. Ҳозир эса Муқимий кўчасида 90 квартирали уйни қўлдан чиқараяпмиз. Шу кунларда дорихона жойлашадиган биринчи қаватни пардозлаяпмиз. Куни кеча 6 та подъездни қўлдан чиқардик. Бу бизнинг binoкорлар кунига қилган совғамиз бўлди.

Ишимиз суръатининг ўсишида техника қўл келаяпти. Ҳозирги пайтда агрегатлар ёрдамида бир пардозловчи ҳар сменада 25—30 квадрат-метр жойни суваяпти. Бу нормадагидан икки баравар кўпдир. Г. Мусаев, Ш. Комолиддинова, Э. Гертер, В. Голошанова ўртоқлар смена топшириқларини ортиғи билан адо этишда ва сифатли ишлашда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Бригадамиз аъзолари етти йилликнинг сўнгги йилини меҳнатда ажойиб ютуқлари қўлга киритиш билан якунлашга аҳд қилган. Шу ниятда ҳозир социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб юборганмиз. Қурилиш материалларидан тежабтергаб фойдаланиш, ички резервлардан унумли фойдаланиш бўйича кўпгина ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширяпмиз. Кишиларимиз ғайрати ва шижоати билан биз албатта ўз мақсадимизга эришамиз.

Ғ. ҚУРБОНОВ,
153-қурилиш трести коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи.

ТОРТИҚ

Пойтахт binoкорлари етти йилликнинг сўнгги йилини меҳнатда улкан ғалабаларни қўлга киритган ҳолда нишонламоқдалар. Буни ўтган ойлар давомида эришилган муваффақиятлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Етти ой мобайнида шаҳримизда 99 минг 498 квадрат-метр турар-жой фойдаланишга топширилди.

Бинокорлар куни арафасида, Чилонзор массивининг 11 ва 12. секторларида бешта кўп қаватли турар-жой биноси фойдаланишга шай қилиб қўйилди. Яқин кунлар ичида 240 оила бу уйларга кўчиб кириб, ҳовли тўйлари ўтказади. Бундан ташқари 980 ўринли мактаб ва 240 ўринли болалар боғчаси ҳам кичкинтойларга мўлжаллаб қурилмоқда.

Ҳозирги кунда пойтахтимизнинг шимолий-шарқида катта массив бунёд этиляпти. Олди оилалар қад кўтарган янги шинам квартираларга аллақачон кўчиб киришди. Яқинда бу ерда истиқомат қилаётган меҳнаткашларнинг фарзандлари учун ҳар бири 240 ўринли иккита болалар боғча ва яслиси қуриб битказилди. Буларнинг барчаси Бинокорлар куни арафасида қурувчиларнинг тошкентликларга қилган муносиб тортиғидир.

ҲАМИЯТЛИ КИШИЛАР

ИШБОШИ

Нуни бўйи одамлар билан гавжум бўлган қурилиш майдонлари бир зум жимиб қолди. Кран машинисти ҳам кабинадан тушиб келаяпти. Йигитлар жомакорларини ечиб ювинишга тутиндилар. Кечқи шабада эсабошлади. Куёш тафти ҳам хиёл босилгандай бўлди.

— Ия, яна бетон келаяптими?— деди ҳозиргина артиниб бўлган Тўлаган пастдан ўрмалаб чиқаётган самосвалга ишора қилиб.

— Бизга эмасдир. Сменамиз иши тамом бўлгани ни билишади-ку, ахир,— деди бамайдихотир Саттор.

Йўқ, машина тўғри келиб пойдевори қазиб қўйилган янги подстанция олдида тўхтади. Шофер кабинадан чиқиб бригадирни чақирди.

— 3-участкага бетон олиб борган эдим, қабул қилишмади. Нима қилай сизларга қоллирайми ёки иш тамом бўлган экан, деб қайтиб кетаверайми?

Абдумутал ўйланиб қолди. Йигитларнинг олдиниб бўлибди. Шунака пайтда кимнинг кўзига ҳам яхши кўринасан. Хамманинг бола-чақаси бор. Уйига эртароқ бориб уларни эркалагиси келади. дам олишни истайди.

— Тўхтаб турчи, улар билан маслаҳатлашиб олай. Балки яна бироз ишлармиз, — деди бригадир ва ишчилар олдига юрди.

— Нима қилдик оғайнилар? Машинани қайтариб юборсак ҳам бўлади-ю, денин бир самосвал бетон бекор кетадида, Бора-боргунча суви қочиб бузилиб қолади. Агдаравер десак вақтимиз тамом бўлган.— Абдумутал синовчан кўз билан ишчиларга тикилди.

— Майли, бир соат бир кун эмас. Бетон нобуд бўлмасин. Иши зарурларнинг кетаверишги мумкин.— деди Тўлаган.

Ишчилар бир-бирларига қараб олишди. Эшвой кулди-да.

— Хозир секция қурилишидан ҳам бошқа зарур иш борми? Майли бетонни агдараверсин. — деди.

Шофер машина кузовини туника яшикка тўгриладн. Бетон шовиллаб тўкилабошлади. Абдумутал ўзида йўқ хурсанд. Шундай олтин одамлари бор-а, унинг. Шундай азаматлар қўли билан қанча-қанча бинолар олам юзини кўрмади, дейсиз. Олтингугурт кислотаси цехи, мис заводи корпуслари, қатор-қатор бошқа хил объектлар — шуларнинг барчаси Абдумутал Исроилов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ғайрат ва шижоати билан бунёд этилган. Коллектив ҳозирги кунда қўрғошин-рух саралаш фабрикасининг 6-секцияси қурилишида меҳнат қилаяпти.

Бригада аъзолари Бинокорлар куни арафасида яна бир зафар қозондилар. График бўйича 20 августда фойдаланишга топширилиши лозим бўлган 23 А ва 23 Б насослари пойдеворини муддатидам ярим ой илгари тахт қилдилар. Тўлаган Абдуллаев, Эшмат Раимов, Саттор Ўроқулов—қўйнингчи, ҳаммаинг меҳнат самараси бу.

МУСОБАҚАДОШЛАР

Катта корпуснинг у томонида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Низом Ғозиқулов бошлиқ бригада аъзолари, бу томонида эса Абдумутал Исроилов бошлиқ бригада аъзолари ишлашаяпти. Иккаласи ҳам комплекс ишларни бажаради, иккаласи ҳам коммунистик меҳнат коллективи номини олган, ўзаро мусобақалашади, ишқилиб кўп томондан бир-бирларига ўхшашади. Бригадирлар ўзаро кўришиб қолишдими, дарров янгиликларни суриштиришди.

Низом ҳозир Абдумутал бригадаси ишлаётган жойга келиб ҳайрон бўлиб турибди. Йигитлар самосвал кузови остига темир яшикни тўгрилаб қўйишаяпти. Бетон шу яшик ичига тўкиляпти.

— Бетонларинг ерга тушса бели синиб қоладими? кулди Низом.

— Бу усулда ҳнимат кўп экан. Низом ака, — деди Абдумутал пешонасидаги терни артиб. — Бетоннинг кучи сувида бўлади дейсиз. Ерга тўкилган бетоннинг шарбати тупроққа сингиб, қуруқ тоши қолар экан. Кейин опалубкани олганимизда тошлар ҳам узилиб тушса жаҳлимиз чиқарди, бетонни сифатсиз тайёрлашибди, деб. Йўқ, бу усулимизнинг айбимиз билан бўлар экан. Мана энди бетон суви ҳеч қаёққа йўқолмайди. Қуйилаётган пойдеворлар сифати яхши, мустаҳкам чиқаяпти.

— Ғишт терувчилар топшириқни қандай бажаришаяпти? — сўради Низом Абдумуталдан.

— Дуруст, юз процентдан ошса ошаяптики, кам эмас.

— 150—200 бўлишини истайсанми?

Абдумутал Низомга жиддийроқ қаради. Низом ўз бригадасида қўлланилаётган янгилик ҳақида сўзлайбошлади.

— Бизда ҳеч ким иш пайтида, қоришма деб, ғишт деб вақтини бекорга йўқотмайди. Хаммаси олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлади. Ҳар кимнинг ўз қоришма яшиги, ўз ғишт уюми бўлади. Бир-бирига ҳалақит ҳам беришмайди шунда.

Шу-шу ғишт терувчилар ишидаги кемтик тугатилди. Дўстлар тажрибаси янги зафарлар сари йўл очиб берди.

Ж. НОСИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
«Алмаликсвинвецстрой» трести.

Б. Орипов ва З. Бозоров ўртоқлар Чилонзорнинг ёш бунёдкорларидан. Икки азамат Тошкент уйсозлик комбинатининг биринчи қурилиш бошқармасида монтажчи бўлиб ишлашади. Ҳозир улар Чилонзорда йирик панеллардан уй-жой қуришяпти.

Шаҳримизнинг иккинчи томони — Високовольтний кўчасида ҳам янги турар-жой массиви яратиляпти. Суратларда: (чапдан) Високовольтний кўчасидаги бу турар-жойлар бугун-эрта фойдаланишга топширилади. Б. Орипов ва З. Бозоров (ўнгда) ўртоқлар Чилонзорда ўз қўллари билан яратган йирик панелли бинолар фонида.

В. И. Чернов ва А. Тўраев фотолари.

БУЮК РЕВОЛЮЦИОН ТА'ЛИМОТ

(В. И. ЛЕНИННИНГ «ДЕМОКРАТИК РЕВОЛЮЦИЯДА СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИЯНИНГ ИККИ ТАКТИКАСИ» АСАРИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН).

1905 йил январь ойининг охирларида Россияда бошланган революция момақалдироғининг суронлари Женевага етиб келади. Ўша маҳалда В. И. Ленин Женевада яшарди. Н. К. Крупскаянинг хотирлашича, Ленин билан бирга эмиграцияда бўлган барча большевикларни «революция бошланиб кетди, деган ҳиссиёт қоплаб олди». Буржуазия-помешчиклар зулми исканжасида азоб тортаётган мамлакат тепасида ҳақиқатан ҳам янги замон тонги ёришаётган, қудратли халқ ҳаракати буюк революцион бўронига айланаётган эди.

Узоқ эмиграцияда яшашга мажбур бўлган Ленин воқеаларнинг боришини диққат билан кузатиб турди, партияни ўз вазифаларини аниқ тушунишга ўргатди, самодержавиега қарши кенг миёсда бошланган курашда жанговар марксистик тактика билан қуроллантирди. 1905 йил 9 августда Женевада Ленининг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» номли машҳур асари босилиб чиқди. Бу китобда Ленин марксизм тарихида биринчи бўлиб империализм даврида буржуа-демократик революциясининг хусусиятлари, унинг ҳаракатга келтирувчи кучлари ва истиқболи масалаларини ишлаб чиқди, янги тактика шиорларини олга сурди. Бу шиорлар давр синовидан ўтиб, кейинчалик марксчаленинча партиялар тактикаси арсеналидан абадий мустаҳкам ўрин олди.

Ленининг китобига РСДРП III съезди ва меньшевикларнинг Женева конференцияси қабул қилинган тактикага оид қарорларни анализ қилиш асос қилиб олинди. Бир маҳалда тўпланган ана шу икки йиғинда демократик революцияда партия ва пролетариатнинг вазифалари бошқа-бошқа белгиланди: большевиклар жанговар, ҳужумкор, ҳақиқий революцион тактикани белгиладилар; меньшевиклар эса хомхаталa, келишувчиликдан иборат, оппортунистик йўл тутдилар.

РСДРП III съезди ва Женева конференцияси бир масалада, яъни бўлажак революция ўз социал-иқтисодий мазмунига кўра буржуа характерига эга бўлади, демак у чор самодержавиеси ва помешчиклар ер эгалигига қарши қаратилган, бинобарин буржуа муносабатлари рамкасидан бевосита четга чиқа олмайди, деган тушунчада бир хил фикрда эдилар. Лекин ана шу шубҳасиз фактдан бир-бирига тамоман қарама-қарши хулосалар чиқарилди.

Революциянинг буржуа характерини догматикларча тушунган меньшевиклар жонли ҳаётни ўлик схемага тиқиштиришга, XX аср бошларидаги Россияга XVIII ва XIX асрлардаги Ғарбий Европа революцияларининг эски ўлчовларини татбиқ этишга ҳаракат қилдилар. Шунга кўра, зотан революция буржуа характерига эга бўлар экан, унинг раҳбари ва асосий ҳаракатга келтирувчи кучи ҳам фақат буржуазия бўлиши керак, деган хулоса чиқарилди. Меньшевиклар ана шу позицияга қаттиқ ёпишиб олиб, пролетариатни либерал буржуазиянинг пассив дастёрига айлантирмоқчи бўлдилар. Бинобарин буржуазияни қўрқитиб юбормаслик учун пролетариатни эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишга ва бу билан революция авжини пасайтириб қўймасликка чақирдилар.

Ленин меньшевикларнинг оппортунистик, думчилик тактикасини аёвсиз танқид қилди. У партия ва пролетариатни дадил ва актив ҳаракат қилишга чақирди, ғалаба даставвал ишчилар синфи ўз гегемонлик ролини, революциянинг доҳийси ролини қай даражада бажара олишига, кейинчалик эса ҳар қандай иккиланишлар, буржуазиянинг келишувчилиги ва сотқинлигига қарамай революцияни олга қараб давом этдира олишига боғлиқ деб уқтирди.

Ленинча шиорлар 1905—1907 йиллар революциясининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан эди. Бу пролетариат ва буржуазия ўртасида синфий кураш авж олиб кетган, пролетариат умумий меҳнаткашлар оммасидан ажралиб чиқиб, мустақил снёсий партияга уюшган ва қудратли снёсий кучга айланган бир шароитда, империализм даврида бўлиб ўтаётган биринчи халқ революцияси эди. Ана шу шарт-шароитлар пролетариатга буржуа-демократик революциясига бош бўлиш, унга ўз пролетар тамғасини босиш, демократик тўнтаришлар доирасини максимал даражада кенгайтириш имконини берарди. Либерал буржуазиянинг революцияни ўтмаслаштиришга интилиши, уни охиригача олиб боришга тўсқинлик қилиши, кучларни бирлаштириб туриб революцион халққа ёпасига ҳужум қилиш мақсадида самодержавие билан ҳокимиятни бўлашиб олишни апоқ-чапоқлик билан ҳал қилишга интилиши ҳам муқаррар суратда ана шундан келиб чиқади. Айни замонда Россияда аграр масаланинг кескинлиги, крепостнойликнинг жуда кўп қолдиқлари, деҳқонларни самодержавиега қарши қатъий курашга ундарди, уларни пролетариатнинг содиқ иттифоқчисига айлантирарди.

Шундай қилиб, Ленин рус буржуазияси революциянинг ҳаракатга келтирувчи кучи ҳам, раҳбари ҳам бўла олмаслигини, у демократик шиорларни чала ва мунофиқона қабул қилишлигини кўрсатиб берди. Фақат пролетариатгина революцияни эски тартиблар устидан тўла ғалабагача олиб бориши мумкин, чунки у ҳар қандай демократик тўнтаришлардан ҳам кўра юксакроқ мақсадларни ўз олдига қўяди. Аммо пролетариат либерал-монархиячи буржуазияни бетараф қилиб, асосий деҳқонлар оммасини унинг таъсиридан қутқариб олиб, ўз кетидан эргаштирсагина ғалабага эришиши мумкин.

Ленин Россия ишчилар синфи шаҳар ва қишлоқлардаги барча демократик элементларнинг раҳбари бўлиши мумкин ва зарурлигини назарий жиҳатдан асослаб берди. Пролетариатнинг социалистик идеаллари, деб уқтирди Ленин, демократик идеаллар билан узвий боғлиқдир. Марксистлар демократик вазифаларни иложи борича кенг ва ғайрат билан олга суришлари зарур — бусиз олдинга силжиш мумкин эмас. Радикаль демократик тўнтариш яхши уюшишга, буржуазия билан кенг ва мувафақиятли кураш олиб боришга, социалистик тўнтариш учун йўл очишга имкон беришини ҳисобга олганда буржуа революциясидан буржуазияга қараганда пролетариат кўпроқ манфаатдордир. «Марксизм, — деб ёзди Ленин, — пролетариатни буржуа революциясидан четланишга ўргатмайди, бу революцияга бепарволик билан қарашга, унда раҳбарликни буржуазияга бериб қўйишга ўргатмайди, балки, аксинча, унда зўр ғайрат билан иштирок қилишга, изчил пролетар демократизми учун, революцияни охирига етказиш учун жуда қатъий кураш олиб боришга ўргатади». (Асарлар, 9-том, 41-бет).

Хўш, демократик революцияни охиригача олиб бориш нима ўзи? Меньшевиклар схемаси бўйича бу ҳокимиятни буржуазия қўлига бериш демакдир. Ленин бу саволга бошқача жавоб берди. У ишчилар синфи бош бўлган демократик тўнтариш буржуазия ҳокимияти билан эмас, халқ ҳокимияти — пролетариат ва деҳқонларнинг революцион диктатураси билан, яъни синфларнинг қуролли қўзғолонида ғалаба қилганларнинг диктатураси билан якунланиши кераклигини исбот этди.

Бундай диктатуранинг снёсий органи вақтли революцион ҳукумат бўлади. Бу органда социал демократиянинг қатнашиши мумкин, кучларнинг мақбул нисбати вужудга келган тақдирда қатнашиш мумкингина эмас, балки зарурдир. Шундай қилинганда пролетариат революцион ҳукуматга нафақат «пастдан», балки «юқоридан» ҳам тазйиқ ўтказа олади.

Бу буржуа демократик революцияда пролетариатнинг янгича тактикаси эди. Ленининг фикрича пролетариат ва деҳқонлар диктатураси революциянинг демократик босқичида депсиниб тураверишi учун эмас, балки чоризм ва реакция ҳужумлари устидан ғалабага якун ясаб, революцияни олга силжитиш, социалистик идеалларни амалга оширишда олга бориш учун зарур эди.

Ленин китобида буржуа-демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб ўтишининг мукаммал назарияси ишлаб чиқилди. Бу масалада Ленин бир томондан революциянинг демократик ва социалистик босқичлари орасига қалин девор қўйган меньшевикларга ва иккинчи томондан пролетариат диктатурасига ўтиш босқичи бўлган пролетариат ва деҳқонлар диктатураси зарурлигини инкор этиб, демократик босқични сакраб ўтиб кетган Троцкийга қарши кураш олиб борди.

Ленин демократик тўнтаришдан сўнг революциянинг ривожланиши учун гўё узоқ танаффус керак деган меньшевикча тезисни рад этди. Империализм шароитида озодлик курашининг демократик ва социалистик босқичлари бир-бирига яқинлашиб боради. Бу революцион жараёнинг бир-бири билан мустаҳкам боғланган босқичидир.

Ленин ана шу боғланишни аниқлаш билан бирга революцияниг бир босқичидан иккинчи босқичига ўтишда синфий кучларнинг қайта ташкил топишини ҳам белгилаб берди. **«Пролетариат,** — деб ёзди у, — **самодержавиенинг қаршилигини куч билан янчиб ташлаш ва буржуазиянинг беқарорлигига барҳам бериш учун деҳқонлар оммасини ўз ёнига олиб, демократик революцияни охиригача етказиши керак. Пролетариат буржуазиянинг қаршилигини куч билан синдириш, деҳқонларнинг ва майда буржуазиянинг беқарорлигига барҳам бериш учун аҳолининг ярим пролетар элементлари оммасини ўз ёнига олиб социалистик ўзгариш қилмоғи лозим».** (Асарлар 9-том, 96-бет).

Ана шу классик формулада энг қисқа формада ишчилар синфи революцион стратегияси ва тактикасининг асосий йўналиши белгилаб берилган. Даставвал пролетариат озодлик курашининг гегемони сифатида барча деҳқонлар билан бирга буржуазияни яккалаган ҳолда (негаки революция буржуа-демократик характерда бўлади) монархия ва помешчикларга қарши боради. Сўнгра эса, пролетариат энг камбағал деҳқонлар билан бирга, барча эксплуатация қилинувчиларни ўзига бирлаштириб, майда буржуазияни яккалаган ҳолда капитализмга қарши боради ва бунда революция социалистик характер касб этади.

Ленининг китоби бошдан оёқ синфий кураш руҳи билан суғорилган, унда 1905 йилнинг тарихий кунларида Россия пролетариати авж олдирган буюк революцион энергия мужассамлаигандир. У пролетариатни самодержавиени дадил штурм қилишга чақирди, халқ революциясида доҳий бўлишга ўргатди ва айни замонда пролетариатни социалистик вазифаларни ҳал этишга йўллади. Ленининг асари янги тарихий тажриба асосида революциянинг марксистик назариясини бенуқсон бойитди, партиямизни ҳақиқий илмий революцион тактика билан қуроллантирди. Бу тактика эса самодержавие ва капитализмга қарши олиб борилган шиддатли жангларда буюк ғалабаларни қўлга киритишга ёрдам берди.

* * *

В. И. Ленин ўз асарида башорат қилиб, инсоннят янги замонга қадам қўйди, сиёсий зиддиятлар ва революциялар даври бошланди, деб ёзганди. Ижтимоий тараққиётнинг бутун бориши Ленининг бу башоратини тўла тасдиқлади.

Биринчи рус революцияси самодержавиега жиддий зарба бериб, жаҳон капитализми мавқеларини бўшаштирди, эзилган ва эксплуатация қилинаётганларнинг ҳаммасини озодлик учун курашга илҳомлантирди. Бу революциянинг бой тажрибасидан фойдаланиб, Россия пролетариати Ленин партияси раҳбарлиги остида 1917 йил октябрида буюк ғалабага эришди. Улуғ Октябрь эса бутун дунёда тубли социал ўзгаришларни бошлаб берди. Революциянинг мусаффо қилувчи бўрони бизнинг мамлакатимизнигина, бутун планетанинг социал қиёфасини ўзгартирди. СССРда янги ижтимоий тузумнинг тантана қилиши, жаҳон социалистик системасининг ташкил топиши, миллий озодлик ҳаракатининг мисли кўрилмаган даражада кенг қулоч ёйиши — буларнинг ҳаммаси бир занжирнинг халқаларидир, инсониятнинг капитализмдан тўхтовсиз суратда социализмга бораётганлигининг ёркин ифодасидир.

Биринчи рус революцияси тажрибасидан Ленин тарихий ҳаракатда пролетариатнинг кучи унинг аҳолининг умумий миқдоридаги ҳиссасига қараганда тақкослаб бўлмас даражада кўпдир, пролетариат капитализм етарли тараққий этмаганлиги натижасида, гарчи сон жиҳатдан камчилиги ташкил этган тақдирда ҳам умумдемократик ҳаракатга раҳбар бўлишга қобилдир, деган хулосани чиқарди. Тарих бу хулосанинг тўғрилигини тасдиқловчи фактларга кун сайин бойиб бормоқда. Бизнинг ҳозирги давримизда тинчлик ва демократия учун, монополистик олигархия зулмига қарши курашишни хоҳлаганларнинг ҳаммасини ўзига бирлаштирган кенг қўламдаги антимонополистик коалициялар ишчилар синфи атрофига уюшмоқдалар. Ишчилар синфи умумдемократик ҳаракат бошида турибди. У социалистик революция вазифаларига жуда ҳам яқинлашиб келувчи ана шу ҳаракатнинг тўла ғалабаси учун курашмоқда.

Ҳозир В. И. Ленининг демократия учун кураш — социализм учун курашнинг ажралмас қисмидир, деган фикри ҳарқачонгидан ҳам актуал бўлиб қолди.

В. И. Ленининг «Демократик революцияда социал демократиянинг икки тактикаси» асари курашчан марксизмнинг намунасидир. Унда ҳам реформизмга, ҳам революцион авантюризмга зарбалар берилади. Бу китоб субъективизмни рад этади ва синфий кураш масалаларига илмий ёндошишни талаб қилади. Асардаги марксистик қоидалар фақат буржуазияга дум бўлиб, итоаткорона судралиб юрувчиларгагина эмас, балки умумий қоидаларни механик равишда такрорлаб, ўтмишга сажда қилиб ва янги шароитлар билан, шу кунинг вазифалари билан ҳисоблашишни хоҳламайдиганларга ҳам қарши қаратилгандир. Ленининг китоби марксизмга ижодий муносабатда бўлишга ўргатади. Унинг ғоялари ҳозир ҳам халқаро коммунистлар армиясини демократия ва социализм учун курашга илҳомлантирмоқда.

И. АЛЕКСАНДРОВ.

ФОТОЛАВҲАЛАР

ШУ КУНЛАРДА боғ-роғларга кирган кишининг баҳри-дили очилиб кетади. Ҳаммаёқда пишиқчилик. Шиғил-шиғил мевасини кўтаролмаганидан шохлари ерга энгашган мева дарахтларини кўрсангиз кўзингиз қувнайди. Соҳибкорлар, пешона терлари билан етиштирган мева-чеваларини тезроқ эл дастурхонига ҳадя этиш пайига тушишган. Бундай олиҳиммат кишилар орасида «Қибрай» боғдорчилик ва узумчилик совхозининг азамат меҳнаткашлари ҳам бор. Уларнинг бу йилги аҳдлари катта — шаҳар меҳнаткашларига қариб 6 минг тонна ширин-шакар узум ва мева тортиқ қилишмоқчи. Ҳозир совхоз боғларига кириб борсангиз фидокорона меҳнатнинг устидан чиқасиз. Мева-чевалар жадаллик билан узилиб, пешма-пеш шаҳарга жўнатилаяпти. Суратда (чапда): совхознинг илғор ишчиси ўртоқ Х. Исмонлова шафтоли узмоқда.

Р. Шамсуддинов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

●

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Коммунист» колхози полизларида қовун-тарвуз ғарқ пишди. Миришкор деҳқонлар ўзлари етиштирган полиз маҳсулотларидан шаҳарликларга кўплаб миқдорда етказиб бермоқдалар. Суратда (ўнгда): полизчилик звеноси бошлиғи Насиб ака ва далага ҳашарга чиққан ўғли, ўқитувчи Ғуломовлар хирмонда.

С. Махов фотоси.

ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИГА ЕТИБ ОЛИШ УЧУН

Ўзбекистон пойтахтида мамлакатнинг тўқимачилик марказларидаги энг йирик корхоналар вакилларининг традицион учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда мусобақадош дўстлар 1965 йилнинг иккинчи кварталидаги иш якунларини тўпладилар.

Мамлакатдаги ўнта етакчи комбинатнинг коллективи уч ой ичида пландан ташқари 4.1 миллион сўмлик ялпи маҳсулот берди, қўшимча суратда 172 тонна калава, 3,6 миллион метр бўз ва 322 минг метр тайёр газлама ишлаб чиқардилар.

Бир соҳадаги корхоналар орасида Камишин ип-газлама комбинатининг ходимлари энг яхши натижаларга эришдилар. Чебоксари комбинати ва «Трехгорная мануфактура» коллективлари мусобақалашаётган корхоналар ўртасида иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Тўқимачилар Тошкентда бўлиб ўтган учрашув вақтида иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар ва мурожаат қабул қилдилар. Улар бу мурожаатда мусобақалашаётган комбинатларнинг коллективларини москваликлар ва ленинградликлар ташаббуси билан қабул қилинган ҳамда жаҳон стандартининг энг яхши намуналарига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзда тутган мажбуриятларни бажаришга даъват этдилар. (ЎзТАГ).

СУВ ЎТЛАРИ ИККИ МИЛЛИАРД ЁШДА

ГЕОЛОГЛАР КАШФИЁТИ

□ □ □

Ладога атрофини планетамизда ҳаётнинг энг қадимги бешиги деб аташ мумкин. Яқинда геологлар томонидан Москвадаги палеонтология институтига юборилган кичкина посилканинг ичидан ҳозир маълум бўлган сув ўтларидан энг қадимгилари чиқди.

Экспедициядан қайтиб келган машҳур палеонтолог А. Г. Вологдин бу ноёб сув ўтини геологлар Ладога кўлининг ғарби-шимолий соҳилидаги жойда чўкма жинслар орасидан топиб олганликларини айтди. Юборилган нусхаларни лабораторияда синчиклаб ўрганиб кўриш ҳамда қўшимча материаллар олиш мақсадида ўша жойга бориб келиш натижасида геологлар энг қадимги организмларнинг фан учун янги қолдиқларини кашф этганликларини аниқлаш имконияти туғилди. Булар — тузлишиш содда бўлган гидромедузалар ва энг оддий сув ўтларининг кўл тубига ёпишиб ўсадиган шаклларидир. Жинснинг асосий массаси эса, энг майда бир ҳужайрали сув ўтларининг қолдиқларидан иборат бўлиб, кўмирга айланган битум типидаги қора рангли органик моддадир.

Ана шу чўкма тоғ жинсининг ёши қариб икки миллиард йилга боради. Сув ўтлари ва умуртқасиз ҳайвонларнинг қолдиқларини ўз ичига олган ҳамда Шарқий Саян, Байкал тоғи ва Енисей тизмасидан топилган чўкма жинслар ҳанузгача бизнинг мамлакатимиз территориясидаги энг қадимги (бир миллиард ёшдаги) жинслар деб ҳисобланиб келар эди. Шу сабабдан геологларнинг Ладога кўли атрофидан топган нарсаси палеонтология фани учун, ерда ҳаёт қандай пайдо бўлганини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга. (ТАСС мухбири).

ЮКСАК АКТИВЛИК

Бу йил республика касаба союзлари фабрика-завод ва маҳаллий комитетларининг состави етмиш процент янгиланди. Уларнинг составига ишлаб чиқариш илғорлари, ёшлар, мутахассислар қўшилди. Сайланган ўн раисдан олтитаси биринчи марта ана шу комитетларга раҳбарлик қилмоқда. Касаба союзлар область ва республика комитетларининг состави 62 процент янгиланди. Комитет аъзоларининг тўртдан уч қисмидан кўпроғини хотин-қизлар ташкил қиладилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялар хўжалик ва маданий қурилишда республика касаба союзларининг роли ошганлигини кўрсатди. Ташкилотчилик ва тарбия ишларида ҳам уларнинг мавқеи ўсди, улар коммунистик меҳнат мусобақасига конкретроқ раҳбарлик қила бошладилар, халқаро стандартлар даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошланган курашнинг ташаббускорлари бўлган Москва ва Ленинград корхоналари коллективларининг шонли ташаббусига қўшилганлар сафини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Касаба союз ташкилотлари меҳнаткашларнинг турмушини, маданий, оммавий ва тарбиявий ишларни яхшилаш масалаларига кўпроқ эътибор бера бошладилар.

Йиғилиш ва конференцияларнинг қатнашчилари касаба союз советлари ва комитетларига қарата бир қанча танқидий мулоҳазаларини айтдилар, бошланғич ташкилотларга раҳбарликни кучайтиришни, ишлаб чиқариш ва иш ҳақини планлаштиришнинг муҳим масалаларини конкрет ҳал қилишни улардан талаб қилдилар.

Республика касаба союзлари советининг президиуми касаба союзларининг область советларига, шунингдек, республика ва область комитетларига йиғилиш ва конференцияларда қабул қилинган қарорларнинг, шунингдек касаба союз аъзолари айтган таклифларнинг бажарилишига эришиш вазифасини юклади. Касаба союз ташкилотларига биринчи марта раҳбар қилиб сайланган кишилар учун семинар машғулотлари, тажриба алмашишга бағишланган учрашувлар ўтказишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

ХОЛГА ҚЎНГАН ЧАНГ

БИР ХАТ ИЗИДАН

● ● ●

«Юнусобод Тошкентнинг биқинига жойлашган баҳаво, хушманзара, мевазор қишлоқ. Бу ерда икки колхоз бор. Иккаласининг ҳам экономикаси мустаҳкам. Деҳқонлар бадавлат яшамоқдалар. Лекин қишлоқ аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишда жиддий нуқсонлар содир бўлаётир. Қишлоқда битта телефон бор, газета-журналлар вақтида олиб келиб сотилмайди. Бу ҳақда юқори ташкилотларга кўп хабар қилдик. Аммо натижасини кўрмаяпмиз».

Юнусободликлардан бир труппаси редакцияга йўллаган хатда шундай дейилган эди. Хат юзасидан текшириш ўтказилгач, меҳнаткашлар талаби ҳақ эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик.

Ҳа, Юнусобод қишлоғи республикамизнинг пойтахти Тошкентга чегарадош. Қишлоқнинг Карл Маркс номли, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозларининг сабзавотчилик, чорвачилик ва боғдорчилигидаги шон-шуҳрати ён-атрофга кенг ёйилган. Давлатимиз кўрсатаётган катта моддий ёрдам, колхозчиларнинг фидокорлик кўрсатиб ишлаши туфайли кейинги йилларда қишлоқнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди, обод ва чароғон бўлди. Ўнлаб жамоат бинолари қад кўтарди. Янги йўллар ва хиёбонлар, боғ-роғлар бунёд этилди. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган бирнеча янги муассаса қурилиб, ишга туширилди. Колхозчилар ўз оила аъзолари билан данғиллама уйларда тинч ва фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Қишлоқларда Ильич чироқлари порлаб турибди. Ҳар бир хонадонда радио бор.

Бироқ, «Ҳар тўкисда бир айб» деганларидек, айрим нуқсонлар холга қўнган чангдек кўзга яққол ташланаяпти, тўғрироғи гўзал қишлоқнинг ҳуснига доғ бўляпти. Буни шу манзилга илк дафъа қадам ранжида қилган киши ҳам дарров сезади.

Мана, Юнусободдамиз. Қишлоқ кўчаси гавжум. Автобуслар ва юк машиналари бетўхтов қатнаб турипти. Бир вақт рўпарамиздан челак кўтарган хотинлар, қариялар, болалар ўтиб қолишди. Қизиқиб кўрдик. Маълум бўлишича, водопровод йўқлигидан аҳоли ҳамон ариқ сувини истеъмол қилиб келаётган экан. Касалхона, туғруқхона, ошхона ва бошқа муассасаларда ҳам ариқдан оқаётган лойқа сувдан фойдаланилмоқда. Ваҳоланки, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети Юнусободда водопровод қуриш, аҳолини тоза сув билан таъминлаш ҳақида қарор чиқариб, маблағ ажратганига кўп вақт бўлди. Гап шундаки, қишлоқ советида ана шу имкониятдан фойдаланилмаётир. аҳолини водопровод сувидан баҳраманд қилиш чорасини кўрадиган жонкуяр киши топилмаяпти.

Ўтган йили жамоатчилик кучи ва маблағи билан қишлоқнинг бир чеккасига водопровод келтирилди, ўнга яқин хонадонда кранлар ўрнатилди. Лекин ўша трубанинг «йўли»ни узайтириш чоралари кўрилмади. Шуниси қизиқки, марказий водопровод трубаси қишлоқдан атиги ярим чақирим наридан ўтади. Қишлоқ совети ва колхозларнинг раҳбарлари бош-қош бўлсалар, водопровод трубасини қишлоқдан оралатиб ўтказиш ва аҳолини тоза сув билан таъминлаш мумкин. Бунинг учун маблағ, ишчи кучи, материаллар етарли.

«Союзпечать»нинг Юнусободдаги киоскасига бордик. Унинг эшигида катта қулф осиғлиқ. Киоскага кундалик газеталар, ойлик журналлар вақтида келтирилмайди. Кўпинча газеталар бир кун кечикиб сотилади. Натижада газеталар икки километр йўл босиб Ишчилар шаҳарчасидаги киосклардан газета, журналлар олиб ўқишга мажбур бўлмоқдалар.

Кино-театр биноларини кўрдик. Бу маданият ўчоғлари чанг-тўзонга беланиб ётипти. Қоғоз парчалари, эски билетлар ҳар томонга сочилиб кетган. Томошабинлар ўтириб ҳордиқ чиқарадиган скамейкалар йўқ. Залларда ўриндиқлар етишмаганидан кўпинча томошабинлар ерда ўтириб кинофильмлар кўришар экан.

Карл Маркс номли ва «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозларида асосан сабзавот ва чорва маҳсулотлари етиштирилади. Лекин «Бўзчи белбоққа ёлчимас» деганларидек, на қишлоқ советида ва на колхозларнинг марказий участкаларида сабзавот маҳсулотлари, гўшт, сут билан савдо қилувчи бирорта намунали дўкон йўқ. Колхозчилар томоркадан чиққан маҳсулотлар билан ўзларини ўзлари таъминлаётирлар. Аммо, у ерда истиқомат қилаётган ишчи-хизматчиларни сабзавот ва чорва маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаб туриш ҳеч кимнинг ҳаёлига келаётгани йўқ.

Юнусободда бор-йўғи битта телефон бор. У ҳам бўлса, қишлоқ совети биносига ўрнатилган бўлиб, кундуз кунлари бино берк бўлади. Шу сабабли телефондан фойдаланишнинг иложи бўлмайди. Ҳомиладор аёллар ёки беморларга ёрдам кўрсатиш зарур бўлса, узоқ йўл босилиб, бошқа жойдан тегишли муассасаларга телефон қилинади. Юнусободга қўша-қўша телефонлар тушириш ҳақида кўп гап бўлаётир, лекин амалий иш қилинмаётир. Қишлоқ совети сессиясининг бу ҳақдаги қарорлари ҳам қоғозда қолиб кетмоқда.

Тилга олинган шу сингари камчиликлар қишлоқнинг ҳуснига доғ бўлиб турипти. Калинин район ижроия комитети ва Юнусобод қишлоқ советининг раҳбарлари бу нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўрадилар, деган умиддамиз.

М. НАЗАРОВ.

ТАСС БАЁНОТИ

Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг Вьетнам халқига қарши агрессияни кенгайтириш йўлида янги қадам қўйилганлиги тўғрисидаги хабарни совет кишилари қаҳр ва ғазаб билан эшитдилар. Жанубий Вьетнамга Американинг қўшимча равишда яна 50 минг солдатини юборишга қарор қилинди. Вьетнам халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган қаҳрамонона курашидаги иродасини букишга уринаётган Америка империализмининг бу яна бир нғвосидир.

Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати шу йил 2 августда эълон қилган баёнотида АҚШ ҳукуматининг Вьетнамдаги урушни янада кучайтириш, Ҳиндихитойдаги ва Шарқи-Жанубий Осиёдаги аҳволини тағин ҳам кўпроқ кескинлаштириш йўлини тутаётганлигини кескин равишда қоралади.

Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати Вьетнам халқи Америка агрессорларига қарши ва уларнинг Сайгондаги қўғирчоқларига қарши нурашни ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги йўлида тўла ғалабага эришгунча давом эттиришга маҳкам бел боғлаганлигини айтди. Шу билан бирга, Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати Вьетнамдаги аҳволни бартараф қилишнинг 1954 йилги Женева битимларини қатъий бажаришга асосланган йўлини кўрсатиб берди.

Қардошларча бирдамлик ва пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлиб келаётган Совет Иттифоқи Вьетнам халқи томонидан Америка империализмининг агрессиясига қарши олиб борилаётган адолатли курашда қатъий равишда унинг томонини олиб турибди. Совет халқи Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг баёнотини қувватлайди ва АҚШ ҳукумати томонидан Вьетнам халқига қарши қилинган янги агрессия ҳаракатини кескин қоралайди. Совет Иттифоқи қардош социалистик мамлакатнинг — Вьетнам Демократик Республикасининг — мудофаа қувватини Америка агрессиясини даф этмоқ учун мустаҳкамлаш ишига зарур бўлган бутун ёрдамни бериб келди ва бера боради.

Вьетнам халқининг ҳам шимолда, ҳам жанубда олиб бораётган мардонавор нурашини бошқа қардош мамлакатлар, бутун прогрессив инсоният тобора кўпроқ қўллаб-қувватламоқда. Бу нураш ҳақ иш учун курашаётган халқни бўйсундириб бўлмаслигини бутун дунёга яққол кўрсатди.

Америка агрессорлари ўзларининг ақлдан озиб қилаётган ҳаракатларини ниқобламоқ учун «сулҳ» музокаралари тўғрисида мунофиқона гапларни айтмоқдалар. Агар АҚШ Вьетнам проблемасини тинч йўл билан бартараф қилишга интилаётибмиз, деган гаплар жиддий гап деб қабул қилинишини ҳақиқатан истаса, у ҳолда шу сўзларга яраша конкрет ишлар қилиши ва Вьетнам халқига қарши агрессияни дарҳол тўхтатиши лозим. Аммо, ҳозирча АҚШ нинг ҳукмрон доиралари Вьетнамда тинчлик ўрнатишга сира яқинлаштирмайдиган ҳаракатлар қилиб, урушни тобора кенгайтирмоқдалар. АҚШ агрессив йўлни давом эттираётганлигини кўрсатувчи охирги далил шуки, Америка ҳукумати Вьетнамдаги урушга ажратилган маблағни 1,7 миллиард доллар миқдорда кўпайтиришни талаб қилди.

Вьетнам масаласини Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг шу йил 8 апрелда ва Жанубий Вьетнамни озод қилиш Миллий фронтининг шу йилнинг 22 мартида баён қилинган программаси асосида 1954 йилнинг Женева битимларига қаттиқ риоя қилиш йўли билангина Вьетнам масаласини Вьетнам халқининг манфаатларини кўзлаб, тинчлик манфаатларини кўзлаб ҳал қилиш йўлини топиш мумкин. Америка Қўшма Штатлари Вьетнам Демократик Республикасининг территориясини ваҳшийларча бомбардимон қилишни тўхтатиши, Жанубий Вьетнамдаги агрессив урушни тўхтатиши ва у ердан ўз қўшинларини қуроллари билан бирга олиб кетиши лозим. Вьетнам халқи ўз тақдирини ўзи ҳал қилаверсин.

ТАСС ўзига берилган ваколатга биноан, шуни билдирадики, Совет Иттифоқининг раҳбар доираларида АҚШ ҳукуматининг янги қадамларига Вьетнамдаги урушни кенгайтиришга олиб келадиган агрессив ҳаракатлар, деб баҳо бермоқдалар. АҚШ сиёсатини белгилаб бераётган давлат арбоблари Американинг агрессияси назоланмай қолади, деб хомтама бўлмасликлари лозим. Америкаинг агрессияси тобора кўпроқ зарбага учратилаберади ва оқибат натижада шармандали мағлубиятга учрайди, бунга шак-шуб ҳа йўқ. Вьетнам халқининг адолатли иши тантана қилади.



ЖОНАЖОН ДИЁР. Тоғ манзараси.

КОНЧИЛАР ШАҲРИДА

Оҳангарон кончилари яқинлашиб келаётган байрамларини муносиб совғалар билан қутиб олиш учун социалистик мусобақани қизитиб юборишди. Пландан ташқари 25 минг тонна «қора олтин» қазиб чиқарган 9-шахта коллективи август ойининг дастлабки кунларида унумли меҳнат қилабориб истеъмолчиларга юзлаб тонна ёқилғи жўнатди.

Ленин орденли Абдурахмон Маматов бошчилигидаги бригадада шу кунларда сентябрь ойи ҳисобига кўмир қазиб чиқарилмоқда. Кончилардан М. Бозоров, П. Тожибоев, Д. Рўзибоев ва бошқалар смена топшириқларини 115-120 процентдан ошириб бажармоқдалар.

* * *

Шаҳар мактаблари янги ўқув йилига шай. Барча мактабларда ремонт ишлари тугалланди. Мактаб коллективлари ишни яхши ташкил қилабилганликлари туфайли ана шундай ютуққа эришдилар. Лекин бу ишда ГРЭС қурилиши, 9-шахта, кўмир разрези коллективлари ҳам четда туришмади. Улар ўз оталикларидаги мактабларга яқиндан ёрдам беришди.

* * *

17-қурилиш билим юртини ёш-лардан 200 га яқин киши битириб чиқди. Улар сувоқчилик, бўёқчилик, дурадгорлик, арматурчилик, ғишт терувчилик касбларини эгаллашди. Ҳозирда уларнинг кўпчилиги «Узбекшахтострой» трестига қарашли қурилиш бошқармаларида меҳнат фаолиятини бошлаб юборишди. Улар ўрнига эса янгитдан 200 ўқувчи қабул қилинади.

И. АҲМЕДОВ.

Лирик МИСРАЛАР

КИЙИК

«Волга» машинасин нақ
тумшуғида
Ҳуркиб қочаётган кийик расми
бор.
Машина чиройли шу туришида,
Гўзаллин бахш этган шу бир
жонивор.
Ялтироқ ва совуқ темир қолади
Олиб ташласангиз агар оҳуни,
Нозик бадан кийик ёдга солади
Юртим чашмасини, қорли тоғини,
Қанчалар тараққий этмасин ақл,
Табиатга қанча бўлмайлик
ҳоким,
Табиатдан пардоз олмоқлик
маъқул,
Эъзозлаб жонворин, яроқ ва
хокин.

Юсуф ШОМАНСУР.

ДАРЁ КЕЧАСИ

Сув бўйига аста чўкди қиз
Елкасига тушди рўмоли.
Сочларини ўйнар тинимсиз
Шовуллаган дарё шамоли.
Нега бунча ўйчан бу сулув
Юрагини ўртарми ё ғаш?
Ишқ қалбига солибми гулу
Қуйдирарми мисоли оташ?
Учрашувга ё ваъда бериб
Келмадими экан ошиғи?
Сув бўйида қиз ҳаёл суриб
Айтарминан юрак қўшиғин?
Ё бўлдими дарё мафтуни
Шунинг учун келарми бунга?
Ўгирлатиб сувга қалбининг
Оромини изларми тунда.

Темир УБАЙДУЛЛАЕВ.

ВАҚТ ВА ОДАМЛАР

Тонг шуъласи ўйнар вароқда,
Шоир аста юритар қалам.
Ним кулчадай бўлиб йироқда
Қуёш ботди ўтмай узоқ дам.
Шеър эса ҳали ярмида
Ҳали «ошиқ висол дардида...»
Кунлар бунча қисқа, дер шоир,
Ва ёзганин ўқийди бир-бир.
Сабри тугаб шунда бедармон
Тилга кирар шеърда қаҳрамон:
— Вақтинг бунча чўздинг, эй
шоир,
Бунча мени этдинг интизор,
Шеър ёзмоқлик эмаску оғир,
Ёз дилимда неки алам бор:
«Ошиқ турар висол дардида,
Ҳаёллари незар дарбадар
Қуёш тушди бирдан наздида —
Пайдо бўлди ёнида гавҳар»
Шундай ёзгил. Шудир муддаом,
Шунда қилгил шеъринги
тамом!
Шоир ҳайрон, ўйланиб бир
зум,
Шеърга шундай ясади якун:
«О сиз дамлар, бебаҳо, олтин,
Кимга қисқа,
Кимгадир узун...».

Гулчеҳра ЖУРАЕВА.

КАСБИ ОДДИЙ, ХИЗМАТИ ОЛИЙ КИШИЛАР

ҲАМШИРА ОПА

Узун коридор. Палаталардаги беморлар уйқуга кетишган. Бурчакдаги стол устидаги лампа нурида Фотима Алиева хиёл бош эгиб, китоб ўқиб ўтирипти. Бугун у навбатчи.

— Ҳамшира, ҳамшира опа, — деган овоз эшитилди тўртинчи палатадан. Фотима опа ўрнидан даст туриб тўртинчи палата томон йўл олди. Бемор арзига қулоқ солиб, унга дори берди. Бошида парвона бўлиб, уни юпатди, уйқуга кетгандан кейингина жойига келиб китоб ўқишни давом эттирди.

Фотима опа ҳамшира бўлиб ишлай бошлаганига 30 йилдан ошди. Душанбада ҳамширалар курсини тугатгач, Тошкентдаги 6-болалар консультациясида ишлай бошлади. Сўнгра 4-юқумли касалликлар касалхонасига ишга ўтди. Беморлар касалхонадан буткул соғайиб чиқиб кетишаркан, врачлар қатори ҳамширалларга ҳам юрак сўзларини изҳор этишиб раҳматлар айтишади.

Ҳамшира врачнинг энг яқин кўмакдоши ҳисобланади. Укол қилади, дори беради, иссиғини ўлчайди, қолаберса, ширин сўзлари билан беморлар кўнглини кўтаради. Фотима опа коллектив машъалларидан. У бир неча марта қимматбаҳо совғалар ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг ёрлиқлари билан мукофотланган. Фотима Алиевани қўшинлари ҳамшира опа деб аташади. Лозим бўлиб қолса, кечасими-кундузими уни йўқлаб келишаверади. У ҳам йўқ демай қилидан келган ёрдамни кўрсатади.

Фотима Алиева оддий ҳамширалик касби билан ишлаб турган коллектив ўртасида ҳам, маҳалласида ҳам ҳурмат топган. Ҳалол меҳнат унга обрў келтирди.

АБДУЛЛА ОШПАЗ

Абдуллажон эндигина 30 баҳор юзини кўрди. Аммо бу иш билармон, қўли гул йигит ёш бўлса ҳам «Зарафшон» ресторанидаги элликдан ортиқ ошпазга бош. Ҳа, у— бош ошпаз.

Уни ресторан ошхонасида шогирди Саида Исломовага грузинча салат тайёрлашни ўргатаётган пайтида учратдик. Абдулла жоннинг моҳир пазандалигини олдиндан билардик. Шу билан бирга у ширин сўз, ташкилотчи, фикр доираси кенг, илмли йигит экан.

— Касбингиздан мамнунмисиз? — сўрадик ундан.

— Мамнун бўлганда қандоқ Элга хизмат қилишдан нўра кат.тароқ бахт борми? — деди Абдуллажон. — Ўзимиз тайёрлаган таомни хўрандаги манзур қила олсак, улардан раҳмат эшитсак, шунинг ўзи бизга завқ беради.

Ошпазлик Абдуллажонга ота касб. Ҳа, отаси Эгамберди Расулев Тошкентнинг машҳур ошпазларидан эди. Ҳозир ота кексайиб қолган. Ўрнини ўғли — Абдуллажон эгаллади. Табиий, бу ошпазлик ҳунарини энг аввал отасидан ўрганди. Ўрта мактабни битиргач, Тошкент кулинария мактабига кириб ўқиди. Кейин «Тошкент» ресторанида, Москвадаги Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг чойхонасида ошпазлик қилди.

— Ҳали-ҳали ёдимда, — ҳикоя қилади Абдуллажон. — Тошкентликлардан тўққиз ниши партия XXII съезди делегатларига хизмат кўрсатиш учун борган эдик. Биз пиширган паловдан Юрий Гагарин ва Герман Титов ҳам тотиб кўришди. Гагарин ширин палов пиширганимиз учун миннатдорчилик билдирди.

Абдуллажон Эгамбердиев ўзбек миллий таомларидан ташқари европача ҳамда грузинча, арманча, туриманча миллий овқатларни ҳам тайёрлашни ўрганиб олган. У ўз устида тинмай ишлайди, изланади. Ҳозир Самарқанд савдо институтининг 4 курсида сиртдан ўқимоқда.

Моҳир пазанда А. Эгамбердиев тайёрлаган палов, манти, норинлардан бир марта тановул қилсангиз, қайта яна орзу қилиб юрасиз.

СЕНТЯБРГА АРМУҒОН

Мактабларда биринчи сентябрь қўнғироғи чалинишига оз вақт қолди. Ёз таштини сураётган ўғилқизлар янги ўқув йилини бошлаб юборишга олдидан мириқиб дам олмоқдалар. Кенг ва ёруғ синфхоналар, устахона ва фан кабинетлари ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилди.

Пойтахтимизда ҳам 1 сентябрга катта тараддуд кўрилмоқда. Шаҳар халқ маорифи бўлими ва жамоатчилик меҳнаткашларнинг ўғилқизлари учун ўқув йилига янги совғалар ҳозирлашяпти. Ҳозирнинг ўзида бир неча янги мактаб биноси қурилиб битказилди. Бу мактабларда 11 минг 204 ўқувчи таълим олади.

Чилонзор районида бешта тўрт қаватли 960 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топширилади. Фрунзе районида битта 960 ўринли, Киров районида учта, Октябрь районида битта янги мактаб биноси ишга тушади. Шу кунларда сўнгги пардозлаш ишлари олиб бориляпти.

Киров районининг маориф ходимлари тадбиркорлик билан иш тутдилар. Ремонт учун ажратилган маблағларни тежаб қолиш ҳисобига 616 ўринли мактаб биноси қад кўтараётир.

Ўқув йили бошланиши билан пойтахтимизда Успенский номли янги музика мактаби ишга туширилади. Бу ерда ўқувчиларга музиканя пухта ўрганишлари учун барча шароитлар яратиб берилади. Ҳар бир синф хонасида пианинолар бўлади.

Янги қурилаётган биноларда спорт заллари, физика, химия кабинетлари ўқувчилар ихтиёрида бўлади. Янги мактабларда ошхоналар мунтазам равишда ишлаб туради.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

НИКОТИН — ЗАҲАР

Инглиз медицина журналининг июнь сонида берилган маълумотга кўра Буюк Британияда папирос чекиш натижасида йилига 40000—50000 ўртасида киши қурбон бўлади.

Мақолада Лондон шаҳар марказий шифохоналаридан бирида чекишга қарши кураш бўлимининг бир йиллик иш натижалари баён этилган. Шифохона илмий докторларидан Кейт Бол, доктор Брейн Кокби ва Конни хонимларнинг кўрсатишларича етти хафталик даволаш натижасида бу ерга келган 92 кишининг 62 таси чекишни ташлаганлар.

53,5 КИЛОГРАММЛИ ШИШ

Рейтер агентлиги мухбирининг Пекиндан хабар беришича Синьхуа агентлиги Ухань медицина колледжининг шифокорлари 30 ёшли хитой деҳқонининг танасидан 1959 йилда ўсабошлаган шишни икки марта операция қилиб олиб ташлашган. Хирурглар бемордан жами 53.5 килограмм шишни кесиб ташлаганлар.

СУВ ЗАПАСИ ҚАНЧА?

Ер шарида сув запаси қанча? Ер шари сатҳининг 70 процентини сув қоплаб олган. Лекин табиат сув хусусида ҳамма жойга ҳам бирдек саҳийлик қилган эмас. Исроил аҳолиси ҳатто шўр денгиз сувини истеъмол қилади. Бундай сув махсус установкаларда чучитилади. Ўн икки йилдан ошдики, Чехословакияда олдиндан ишланган схема бўйича сувдан фойдаланилмоқда. Бу ерда сув омборидан бир кубометр ҳам сув ҳисобсиз чиқарилмайди. Сурия, Миср ва Ироқда сув танқислиги катта, Париж ва Токиода ҳам сув етишмайди. Сингапурда эса ҳатто 1961 йилда сув карточкалар билан берилган.

Совет Иттифоқида йилига тахминан 300 миллиард кубометр сув сарфланади. Бу миқдор Днепрда бир йилда оқиб ўтадиган сувдан 9 марта кўпдир. Озмунча сув эмас бу! Лекин сув запаси ҳам шунга яраша кўп. Мамлакатимиз дарёларидан йилига оқиб ўтадиган сув 4340 миллиард кубометрни ташкил этади.

ҚИРҚИЛГАН ОЕҚ ТИКЛАНДИ

Юнайтед Пресс Интернейшнл мухбирининг Беркли (Калифорния штати)дан хабар беришича Херрик номидаги шифохона ходимлари ўнг оёғини поезд қирқиб кетган ёш болани операция қилишган. Бахтсиз ҳодиса юз берганда боладан жуда кўп қон кетган. Биринчи куни жабрланганга 4 литр қон қуйишга тўғри келган.

Шифокорлар группасининг бошлиғи доктор Ж. Гордон Холмс боланинг ўнг оёғи яна ишласа керак деган. У бу фикрни операция муваффақиятли тугагандан кейин оёқ териси пушти рангга кирабошлагандан сўнг айтган. Тўрт кундан кейин бола оёқ панжаларини қимирлата бошлаган. Ҳозир беморнинг аҳволи яхши, у оёғини ҳам, панжаларини ҳам бемалол қимирлатяпти.

ФУТБОЛ

ИККИ ПОҒОНА ЮҚОРИ

Ўтган куни «Пахтакор» футболчилари сафардаги сўнгги тўртинчи ўйинини Куйбишевнинг «Крилья Советов»а командаси билан ўтказдилар. Бу командалар ўртасидаги Тошкентда ўтказилган матч куйбишевликлар ғойдасига 3:2 ҳисобида тугаган эди.

Куйбишевда рақиблар такрор учрашганда ҳамшаҳарларимиз мағлубият хиссасини чиқариш ниятида ўйиннинг дастлабки минутларидаёқ актив ҳужумга ўтдилар. Биринчи тайм тошкентликларнинг тўла устунлигида ўтди. Аммо фақат биргина комбинация охирига етказилди. Х. Раҳматуллаев ҳисобни очди. «Крилья Советов» футболчилари иккинчи таймда ташаббусни қўлларига олдилар. Улар мағлубиятдан қутилиш учун актив ҳаракат қилабошладилар. Анатолий Казаков ўрнига тушган Евгений Гецко Пшеничников дарвозасини тез-тез таҳликага солабошлади, 26-минутда Е. Гецко ҳисобни тенглаштирди, орадан икки минут ўтмасданоқ ана шу ўйинчи командамиз дарвозасига иккинчи тўп киритди. Тошкентликлар ҳам бўш келишмади. 76-минутда Эркин Абдураимов ҳисобни тенглаштирди. 2:2 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади. «Пахтакор» составида Вячеслав Казаков ўйнади. Бу ёш футболчини мастерлар командасига собиқ пахтакорчи В. Виткалов тарбиялаб берди. У Тошкентнинг «Сокол» командасидан ўтган.

«Пахтакор» турнир жадвалида икки поғона юқорига кўтарилди. Москванинг «Локомотив» футболчилари ўз майдонларида Минскнинг «Динамо» командасидан 1:4 ҳисобида енгилишди.

Командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	У.	Т.	О.
«Торпедо» М.	17	31—10	28
«Динамо» К.	17	30—11	26
«Динамо» Мн.	17	19—7	22
ЦСКА	17	19—7	22
«Спартак»	16	15—10	18
«Крилья Советов»	17	22—20	18
«Зенит»	16	20—14	17
«Динамо» Тб.	17	19—17	17
СКА Р.	17	16—17	17
«Шахтер»	17	19—20	17
«Динамо» М.	17	15—16	15
«Пахтакор»	17	18—26	15
«Локомотив»	18	23—30	14
«Нефтяник»	17	16—23	14
«Черноморец»	17	20—27	12
«Торпедо» Кт.	16	12—33	9
СКА Од.	16	7—32	5

Эслатма: Кеча Москванинг «Торпедо»ва «Спартак» командалари ўртасидаги матч натижаси турнир жадвалида ҳисобга олинмаган.

* * *

ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Умид» Кубоги учун Ўзбекистон ёшлар терма командаси ўтган куни навбатдаги учрашувни «Пахтакор» стадионида Тожикистон ёшлар терма командаси билан ўтказди. Ҳамшаҳарларимиз 2:1 ҳисобида устун келишди.

БИР КАСБДА 35 ЙИЛ

Ҳаммадан ҳам сартарошларнинг таниш-билиши кўп бўлади. Аммо Михаил Ягудаевнинг ёру-дўстлари кўплардан кўпроқ. Ахир 35 йилдан бери сартарошлик қилади-ю, таниши кўп бўлмайдими! Шу вақт ичида қанчадан-қанча одамларнинг соч-соқолини олиб, улар билан дўстлашмаган, ошно тутинмаган дейсиз.

Ҳа, уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти ва босмахонаси ишчилари, газета ва журналлар редакцияларининг ходимлари жуда яхши танишади, чексиз ҳурмат қилишади. Миша ака йигирма йилдан бери шу даргоҳда сартарош бўлиб ишлаб келмоқда.

Сартарошлик — сермашақат ва шарафли касб. Эрталабдан кечгача оёқда тик туриб ишлаш, клиентларнинг кўнглини илиқ сўзлар билан овлаш осонми? Аммо Миша ака ўз касбидан сира нолимайди, балки фахрланади.

Ҳар касб эгасида бўлгани сингари сартарош Михаил Ягудаевнинг меҳнат биографиясида ҳам эсда қоладиган саҳифалар оз эмас. У Улуғ Ватан урушқ йилларида қўлига гоҳ милтиқ, гоҳ устара ушлаб то Берлинга қадар борган. Не-не атоқли саркардалар, қаҳрамон жангчиларнинг соч-соқолини олиб, уларга қувонч ва гўзаллик бахш этган.

Ватан бу моҳир сартарошнинг элга қилган хизматларини муносиб эъзозлади. У бир неча жанговар медаллар билан мукофотланган.

М. Ягудаев кексани ёш, ёшни гул қиладиган уста сартарошлардан. Қўлингиз асло толмасин, инсонларга гўзаллик бахш этаверинг, уста.

* * *

Биз касби оддий, ўзи камтар аммо меҳнати улуғ уч киши ҳақидагина ҳикоя қилдик. Улар эл учун, одамлар учун хизмат қилишни энг юксак инсоний бурч деб билган, шунга яраша ҳалол меҳнат қилаётган миллионларнинг биридир, холос.

Т. МИРҲОДИЕВ.
Ш. УМУРЗОҚОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ЭЪЛОНЛАР • ТОМОШАЛАР • РЕКЛАМАЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — **Бокс қўлқопи** (болалар учун телеинсценировка), 12.40 — **Туманда саёҳат** (телевизион бадиий фильм).

Рус тилида: 13.15 **Асфальтдаги излар, Улар фан билан дўст** (кинофильмлар), 13.50 — **Доктор Айболит** (бадиий фильм), 15.00 — **Ҳаёт гўзаллиги** (ёшлар учун).

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Концерт** (болалар учун).

18.50 — **Бугун бинокорлар куни** (ўзбек, рус тилларида эшиттириш ва концерт).

Ўзбек тилида: 20.50 — **Франциядаги учрашувлар** (телеочерк), 21.10 — «Ёшлик» студияси кўрсатади: **Яхшини, учрашдик** (В. Сиснев қиқояси асосида телеинсценировка).

21.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 22.00 — **Телевизион янгиликлар**, 22.15 — **Новости дня** киножурнали ва **Чол билан кампир бўлган экан** номли бадиий фильмнинг 2-қисми.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/VIII да кундуз **Севилья сартароши**, кечқурун **Масхарабозлар** ва **Концерт бўлими**. 9/VIII да **Травиата**.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА (ёзги театр)— 8, 9/VIII кеч соат 9 да **Хизмат кўрсатган Озарбайжон давлат ашула ва рақс ансамбли коллективининг концертлари.** Касса кундуз соат 2 дан очилади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кеч.қурун).

Никоҳсиз туғилганлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «ИСКРА» (кундуз соат 5 дан), «СПУТНИК» (жуфт соатларда) **1002-кеча** — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Севги ва кўз ёши — «МОСКВА», (кундуз ва кечқурун).

Скарамуш (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3 ва 5 яримда). **Беполён юртим менинг** (кеч 7 ярим ва 9 яримда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Соф кўнгил — НАВОИЙ номли (кеч соат 8.20 минутда).

Италиялик Варшавада — «ИСКРА» (кундуз соат 5 гача).

Улуғ Ватан уруши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 4 да).

Шчорс — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 да бошланади)

Италиялик Варшавада — «ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли, «ВАТАН», ПУШКИН номли.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — НАВОИЙ номли.

Тинч кунлар — «1 МАЙ».

Ҳинд маликаси шарпаси — «УДАРНИК».

Улуғ Ватан уруши (кеч соат 9 да). **Никоҳсиз туғилганлар** (кеч 10.45 минутда) — ТЕЛЬМАН номли.

«УЗТЕКСТИЛЬТОРГ»
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ САВДО БАЗАСИГА

Ишчилар, юкчилар, экспедиторлар, омборчилар, русча ёзадиган машинистка

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Физкультурная кўчаси, 18-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (7, 9, 11-трамвайнинг «Таштекстилькомбинат» остановкаси).

«УЗМЯСОРИБТОРГ»
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО КОНТОРАСИГА

юкчилар (ишбайга), **сувоқчи-бўёқчилар, намераларни қордан тозалайдиган ишчилар, бухгалтерлар, экономист, лаборант, электромонтёрлар, слесарлар, компрессор установкалари машинистлари, товароведлар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Олтинкўл кўчаси, 2-проезд, 115-уй (7, 12, 22, 26-автобус, 5-трамвайнинг «Рисовая» остановкаси).

Тошкент шаҳар, Левитан кўчаси, 2-уй, 6-квартирада турувчи **Стефанос Христос Бетас**нинг Қашқадарё область, Шаҳрисабз шаҳар, Ленинизм кўчаси, 41-уйда турувчи Тамара Петровна Бетасдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Калинин район, Киров қишлоқ советидаги, Сабзабот-полиз экинлари институти территориясида турувчи **Эргаш Йўлдошев**нинг шу ерда турувчи Турсун Йўлдошевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 02237. Индекс 64969. Нашр. № 1821.